УДК: 633.16:631.51:631.55

КУЗГИ АРПАНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИНИНГ МАЪДАН ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ.

Халилов Насриддин
қ.х.ф.д., профессор.
Исабоева Шахноза Норқўзи қизи
магистрант
Самарқанд Давлат ветеринария медитсинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети,
Мавланов Лазиз Бахтиёр ўғли
қ.х.ф.ф.д.
Лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти Бахмал илмий тажриба станцияси

Аннотация: Мақолада тадқиқотлар натижасида илк бор Жиззах вилояти лалмикорликдаги қир-адирлик минтақаларида кузги арпанинг "Муштарак" навининг, уруғларнинг дала унувчанлиги, қишга чидамлиги, ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг маъдан ўғитлар меъёрларига боғлиқлигини ўрганиш натижасида олинган натижалар таҳлил қилинди ва амалиётга тавсиялар берилди.

Калит сўзлари; Кузги, арпа, нав, ўғит меъёри, уруғлар, унувчанлик,дала унувчанлик, ўсув даври, қишга чидамлилик, ҳосилдорлик, ўсиш, ривожланиш, лалмикорлик, Муштарак нави.

Кириш. Лалмикорликда кузги арпадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ҳар бир гектар ҳисобига маълум қалинликдаги ўсимликларни ҳосил қилиш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Кузги арпадан юқори ҳосил етиштиришда маълум бир шароитда ўсимликларнинг қалинлигига биринчи навбатда уруғларнинг унувчанлиги, экиш меъёри, чуқурлиги, муддати, маъдан ўғитлар меъёрларига, тупроқ-иқлим шароити, ўтмишдош экин турига, ерларни экишга тайёрлаш ва экиш, экилаётган нав хусусиятига, уруғларни экишга тайёрлашга ва бошқа бир қатор омиллар таъсир кўрсатади [; 16-б., 2; 51-б., 3; 72-б.].

Уруғларнинг дала унувчанлиги деярли ҳамиша лаборатория унувчанлигидан кам бўлади ва у кўпчилик ҳолларда уруғларнинг сифатига, қўлланилган агротехникага, тупроқ-иқлим шароитига, уруғлар, майсаларнинг касаллик ва зараркунандалар билан зарарланишига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлади [4; 6-б., 5; 49-б.,].

Илмий манбаларда уруғларнинг дала унувчанлигининг пасайиш сабаблари турлича талқин этилади, жумладан ўтмишдош экинларни нотўғри танлаш, уруғни экишга тайёрлаш, уруғ экиш чуқурлигини нотўғри белгилаш, уруғлик сифатини пастлиги, тупроқдаги намликнинг етишмаслиги ва бошқа омиллар.шулар жумласидан ҳисобланади [6; 30-б., 7; 44-б.].

Экиш муддати ва тупроққа асосий ишлов бериш чуқурлиги кузги арпа уруғларининг дала унувчанлигига кучли таъсир кўрсатади. К.Ш.Бадургова [8; 24-б.] маълумотларга кўра, дала унувчанлик нав хусусиятига боғлиқ ҳолда экиш муддатининг кейинга сурилиши билан 74,8%дан 67,4%гача, тупроққа ишлов бериш вариантларида эса 73,6%дан 64,8%гача камайган.


© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

Ҳозирги пайтда республикамизда арпанинг янги, серҳосил лалмикор ерларда экишга мўлжалланган кузги навлари яратилиб давлат реестирига киритилган. Аммо уларининг минтақа тупроқ-иқлим шароити, навларининг биологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, нав агротехникаси ишлаб чиқилмаганлиги сабабли лалмикорликда ҳосилдорлиги пастлигича қолмоқда.

Материал ва методлар. Дала тажрибалари 2021-2022 йилларда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба далаларида, лаборатория таҳлиллари эса Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг "Ўсимликшунослик, ем-хашак етиштириш ва генетика" илмий лабораториясида ўтказилди.

Тажриба ўтказилган дала тупроқлари оч тусли бўз тупроқлар бўлиб механик таркиби ўртача қумоқ. Тажриба обекти кузги арпанинг "Муштарак" навлари. Тажрибалар 4 такрорликда, ҳар бир пайкалчанинг юзаси 60 м^2, ҳисобга олинадиган юзаси 50 м^2.Тажрибада қуйдаги вариантлар ўрганилди:1.Назорат(ўғитсиз) 2.$N_{30}P_{30}K_{30}$ 3.$N_{40}P_{40}K_{40}$ 4.$N_{50}P_{50}K_{50}$ 5.$N_{60}P_{60}K_{60}$.Тажрибада уруғларнинг лаборатория ва дала унувчанлиги, ўсимликларнинг қишга чидамлилиги, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, ҳосил структураси аниқланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тадқиқотларимизда кузги арпа уруғларининг дала унувчанлигига ўғитлаш меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди (1-жадвал).




1-расм. Минерал ўғитлаш меъёрларини кузги арпа уруғларининг дала унувчанлигига таъсири, (2021-2022 йй.)

Тажрибамизда барча ўғитлаш меъёрларида ўрганилган навда экиш муддати 10 октябрда, экиш меъёри эса 2,5 млн унувчан уруғ хисобида бўлган. Ўғитсиз экилган пайкалчаларда 1м^2.да униб чиққан майсалар сони 195,3 дона (78,1 %) бўлган бўлса, назорат сифатида олинган $N_{30}P_{30}K_{30}$ кг/га қўлланилган вариантда 208,3 дона (83,3 %) бўлди. Ўғитсиз вариантга нисбатан 1м^2.да униб чиққан майсалар сони 13,0 дона (5,2 %) га юқори бўлганлиги кузатилди. Униб чиққан майсалар $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг/га қўлланилган вариантда энг юқори 211,5 дона Кузги арпани қишлаб чиқиш даражасига минерал ўғит меъёрларининг таъсирини таҳлил қилганимизда, назорат $N_{30}P_{30}K_{30}$ кг/га қўлланилган вариантда кузда 1м^2 да 210,5 дона майса, қишлаб чиққан майсалар сони 175,4 дона

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

(83,3 %) бўлганлги аниқланди. Ўғитсиз вариантда эса мос равишда 195,6 дона ва 157,2 дона (80,4 %) бўлганлиги аниқланди. Арпанинг қишлаб чиқиш даражаси $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг/га қўлланилган вариантда қишлаб чиққаб майсалар сони энг юқори 176,7 дона (83,8 %) бўлганлиги қайд этилди.



2-расм. Арпанинг қишлаб чиқиш даражасига ўғитлаш меъёрларининг таъсири (2021-2022 йй.)

Кузги арпанинг Муштарак нави ҳосил структураси ва ҳосил сифатига маъдан ўғитларнинг меъёри сезиларли таъсир кўрсатди(1-жадвал). Маъдан ўғитлар меъёрларининг ошиб бориши билан кузги арпа ўсимлигининг бўйи, бошоқ узунлиги, 1 дона бошоқдаги донлар сони ва вазни, 1000 дона дон вазни,1 м.кв.даги бошоқли поялар сони, 1 м.кв.даги ҳосил, 1 гектардаги дон ҳосили назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан ошиб бориши аниқланди. Ўғит меъёри N60P60K60 кг/га бўлган вариантда N50P 50K50 кг/га бўлган вариантга нисбатан ҳосилдорликнинг пасайиши кузатилди. бунга сабаб ўсимликда поя ва барглар массаси, донга нисбатан кўплиги, ҳамда ўсимликларнинг қисман ётиб қолиши сабаб бўлди.

1--жадвал

Кузги арпа ҳосилдорлиги ва ҳосил структурасига ўғитлаш меъёрларининг таъсири, (2022-2023йй). .

/р	Ўғит меъёрлари, кг/га	Ўсимликнинг бўйи, см	Бошоқ узунлиги,, см	1 бошоқдаги дон сони, дона	1 бошоқдаги дон вазни, г	1000 дона дон вазни,г	1 м.кв.даги бошоқли поялар сони, дона	1м.кв. даги ҳосил.г	ц/га

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

	Назорат(ўғит тсиз)	51.5	8.13	14.1	0.72	51.3	204.3	147	14.7
	$N_{30}P_{30}K_{30}$	57.3	10.5	16.2	0.85	52.5	236.7	20.1	20.1
	$N_{40}P_{40}K_{40}$	61.2	12.6	17.3	0.910	53.1	243.8	24.2	24.2
	$N_{50}P_{50}K_{50}$	64.4	13.3	18.4	1.00	54.5	260	26.0	26.0
	$N_{60}P_{60}K_{60}$	67.8	13.8.	18.1	0.96	53.2	247.5	25.8	25.8

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах вилоятининг лалмикор майдонларининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги арпанинг "Муштарий" навига гектарига $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг маъдан ўғитлар қўлланилса кузги майсаларнинг униб чиқиши ва қишлаб чиқиш даражаси, арпа ўсимлигининг бўйи, бошоқ узунлиги, 1 дона бошоқдаги донлар сони ва вазни, 1000 дона дон вазни,1 м.кв.даги бошоқли поялар сони, 1 м.кв.даги ҳосил, 1 гектардаги дон ҳосили энг юқори бўлиши аниқланди. Энг юқори дон ҳосилдорлиги $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг/га қўлланилганда 26.0 ц/га ёки назоратга нисбатан 11.3 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бадургова К.Ш., Тангиев М.И. Структура урожая озимого ячменя сортов Росава, Добрыня, Михайлов зависимости от сроков посева и глубины основной обработки почвы //Сб. науч.тр./Ингушский ГУ-Магас, 2005. -С.16-20
2. Борин А.А., Лощинина А.Э. Обработка почвы и урожайность культур севооборота // Владимирский земледелец. -2016. - № 1 (75). - С. 51- 55.
3. Есаулко А.Н., Коростелёв М.Н., Николенко Н.В. Влияние систем удобрений и способов обработки почвы на урожайность озимого ячменя // Молодые аграрии Ставрополья : сб. науч. тр. / СтГАУ. - Ставрополь, 2006. - С. 72-75.
4. Бахмутова З.М., Чурзин В.Н. Влияние сроков, способов и применения бишофита на урожайность озимого ячменя // Материалы IX региональной конференции молодых исследователей Волгоградской области / ВГСХА. -Волгоград, 2005. -С. 6-7.
5. Боровая В.П. Биологическая защита озимого ячменя // Защита и карантин растений.- 2007. - № 4. - С. 49.
6. Картамышев Н. И. Эффективность возделывания ячменя в бессменных посевах // Земледелие. - 2006. - №4. -С. 30.
7. Козырева М.Д., Базаева Л.М., Пухаев А.Р. Эффективность предпосевной обработки семян при возделывании озимого ячменя // Известия Горского государственного аграрного университета.- 2011.- Т. 48.-№ 1. - С. 44-47.
8. Бадургова К.Ш. Формирование урожая и качества зерна сортов озимого ячменя в условиях лесостепной зоны Ингушетии: Автореф. дис. канд. с.-х. наук. – Нальчик, 2006. -24 с.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.